

## БОЛАГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛИ

**Хулкар Алижонова Ботирова**

Жиззах давлат педагогика институти

Мактабгача таълим методикаси кафедраси ўқитувчиси

### АННОТАТСИЯ

Бола шахсини ривожлантиришга йўналтирилган таълим тарбияланувчининг шахсий имкониятларига мослаштирилган педагогик мухитни ҳамда таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг психологик шарт-шароитларини назарда тутди. Ушбу мақолада болага ўналтирилган таълим технологиясининг асосий тамойили ҳақида сўз борган.

**Калит сўзлар:** Сезги органлари, педагогик мухитни, таълим жараёни, ҳаёти, ахлоқи, қизиқиш ва муносабатлари, идрок қилган, сезган, тасаввур этган нарса ва ҳодисаларнинг тўғрилиги.

### ABSTRACT

Education aimed at the development of the child's personality implies a pedagogical environment adapted to the individual capabilities of the pupil and the psychological conditions of the organization of the educational process. This article discusses the basic principles of child-centered learning technology.

**Keywords:** Sensory organs, pedagogical environment, educational process, life, ethics, interests and relationships, correctness of perceived, felt, imagined things and events.

### КИРИШ

Мактабгача ёшдаги боланинг мактаб таълимига ўтиши ҳамиша унинг ҳаёти, ахлоқи, қизиқиш ва муносабатларида жиддий туб ўзгаришларни юзага чиқаради. Шунинг учун мактабгача ёшдаги болани мактабгача таълим сида ёки уйдаёқ мактаб таълимига тайёрлаш, боланинг ёш хусусиятига доир билим, кўникма ва малакалар билан таништириш керак бўлади.

Бола шахсини ривожлантиришга йўналтирилган таълим тарбияланувчининг шахсий имкониятларига мослаштирилган педагогик мухитни ҳамда таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг психологик шарт-

шароитларини назарда тутати. Бу таълим технологиясида ҳар бир болани тушуниш, ҳурмат қилиш, унга ишониш, ҳамкорликда ишлаш каби хусусиятларни ўзида мужассам-лаштиради. Мустақил фикрлашга ўргатиш зарурати, қолаверса мустақилликни мустаҳкамлаш эҳтиёжини кўзлаб, халқ руҳига сингиб қолган мутеълик, журъатсизлик, тобелик, ўз фикрини яқдил баён эта олмаслик каби иллатларни тугатиш, шунингдек серандишалик, ноўрин сабр-тоқатлилик каби фазилатларни онгидан чиқариш замонавий таълим талабларидан саналади.

### АДАБИЁТЛАР ТАХЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Таълим тизимини модернизациялашда таълимнинг барча бўғинларида тобора фаол қўлланилаётган илғор педагогик технологияларнинг турли йўналиши болаларнинг маънавий кучи, қобилиятларини очиш учун мақбул шароит яратиш бермоқда. Таълим тизимида йил сайин ривожланиб бораётган ахборот-коммуникация технологиялари, таълим жараёнини сифат ва мазмун жиҳатдан янада юқори босқичга кўтаришга хизмат қилаётганлиги барчамизга маълум. Айниқса, таълим жараёнини мазмунли ташкил этиш учун замонавий техник воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бола шахсини ривожлантиришга қаратилган технология асосида тарбияланувчи –тарбиячи ҳамда тарбияланувчи-тарбияланувчи ҳамкорлиги кўзда тутилган бўлиб, бу жараёнда таълим-тарбия ижобий натижаларга йўналтирилади. “Бола”– ким? Бола ижтимоий муносабатлар тизимининг кўп қиррали, мураккаб қисмидир. У бир томондан, ижтимоий-тарихий тараққиётнинг маҳсули бўлса, иккинчи томондан ўзи ижтимоий тараққиётни таъмин этади. Демак, ижтимоий муносабатларга киришувчи ва ижтимоий тараққиётда фаол иштирок этувчи инсонгина бола деб аталади. Психологларнинг таъбирича, фикрлаш, яъни тафаккур-одам миясида содир бўладиган жараён. Сизги органлари ожизлик қилган ўринларда одам ва оламнинг хусусиятлари тафаккур орқали ўрганилади. Тафаккур ақлий фаолиятнинг, онгли хатти-ҳаракатларнинг мажмуи. У теваарак-атроф, воқелик ҳамда ижтимоий муҳитни билиш қуроли, инсон фаолиятини тўғри ва самарали амалга оширишнинг асосий шартини ҳисобланади. Киши фикрлаш жараёнида ўзи кўрган, идрок қилган, сезган, тасаввур этган нарса ва ҳодисаларнинг тўғрилиги, аниқлиги, ҳақиқийлиги ҳамда уларнинг борлиққа муносабатини аниқлайди.

### НАТИЖАЛАР

Шахсга йўналтирилган ёндашувни амалга оширишда педагог ўзаро муноса- батларни босқичма-босқич режалаштиришда “педагог фаолиятининг воситаси” сифатида эмас, балки ўзининг педагог сифатида ва боланинг “шахсий татбиқ этиш воситаси” сифатида қўллаши лозим. Биринчи босқичда педагог педагогик ўзаро муносабатларни психологик алоқа ўрнатиш нуқтаи назаридан танлайди ва ўзаро муносабатларни ривожлантира бориб (қабул қилиш ва ёқтириш, бир-бирига ишонч, ҳиссий қайғуриш, ўзаро муносабат ва ҳаракат ҳислари), педагогик алоқани ҳиссий-шахсий муносабатларга “ўтказди”. Бунда ўзаро муносабатлар характериға жавобгарлик муноса-батларни қуришни биладиган педагог зиммасига тушади. Иккинчи босқичда болани психологик қўллаб-қувватлаш амалга оширилади. Бунда мулоқотнинг мақсади-катталар ва болалар орасида аниқ-ҳиссий, амалий ҳаракатланувчи ва англаш - этик алоқа намоён қилишдан иборатдир. Бола шахсини ривожлан-тиришни психологик қўллаб-қувватлаш бу боланинг муаммоларини тушуниш, қабул қилиш ва уни ҳал қилишда ёрдам беришдир. Унинг асосий мақсади бола ва катталар ўртасидаги кундалик педагогик мулоқотларда юзага келадиган ҳиссий-шахсий муносабатларини ривожлантиришдир. Психологик қўллаб-қувватлашни шахсни ривожлантиришнинг ўзаро муносабатлари сифатида амалга ошира бориб, тарбиячи:

✚ - болага, ўзига ва педагогга бўлган ишончини орттира бориб, унга самимийлик, ғамхўрлик ва меҳр-мухаббат намоён этади;

✚ - боланинг ўз-ўзини баҳолашни мустаҳкамлаш ва аҳамиятини ошириш мақсадида унинг ютуқларини онгли равишда таъкидлайди;

✚ - болада хато қилиш қўрқувини бартараф қилиб, унда ижобий ҳиссий бўшлиқ яратади;

✚ - боланинг омадсизликларига диққатини тўхтатмай тушуниб (норозилик билан эмас) қарайди, унинг ечимини топишда бола билан бирга ҳаракат қилади.

Бундай ёндашув асосида шахсга йўналтирилган ўзаро муносабатлар тизимида “катта-бола” муносабатлар йўналишлардан бири бўлиб, ҳар бир инсон ва айниқса таълим олувчилар хатолар ва уларни тўғрилаш ҳуқуқиға эгадирлар, яъни болани тарбияламайди, балки унинг муаммоларини бирга ҳал қилиб “йўл қўрсатади”.

## МУХОКАМА

Болага йўналтирилган таълим технологияси болани бутун бир таълим тизимининг марказига қўяди ва унга табиатан берилган ўз қобилиятини рўёбга чиқариши учун ҳар томонлама қулай, хавфсиз, эркин шарт-шароит яратади. Педагогик технологиянинг муҳим тарафи таълим жараёнидаги боланинг ўрни ва унга катталарнинг муносабатидир. Педагогик технологияни лойиҳалаштиришда боланинг индивидуал ҳамда ёш хусусиятлари, унинг тайёргарлик даражаси ҳисобга олиниши муҳим аҳамият касб этади. Шундай қилиб, психологик қўллаб-қувватлаш орқали педагог (катталар) ривожланишнинг истикболи, характери ва шартлари учун жавобгарликни ўз бўйнига олиб, бола шахсини ривожлантиришнинг асосий омили сифатида чиқади ва бола ўз навбатида катталарнинг муносабатини ижтимоий хулқ-атвор эталони сифатида кузатиб, (таҳлил қилиб), кўпчилик ижтимоий мос ва адекват хулқ-атвор меъёрларини ўрганади. Ҳамкорлик педагогикаси катталарнинг олдига таълим-тарбия жараёнида мулоқотнинг альтруистик услубини қўллаш заруриятини қўяди.

## ХУЛОСА

Болага альтруистик таъсир кўрсата бориб, педагог боланинг устидан ҳукмронлик қилишдан, уни назорат қилиш, зўравонлик, куч ишлатишдан воз кечиб, тарбияланувчига унинг хоҳишига кўра эркин танлаш ҳуқуқини беради. Мазкур мулоқот услуби шароитида бола ўзига нисбатан сўзсиз ва чексиз эътиқод, ўзининг шахсий имконият-ларига ишонч ҳолатига тушади. Тарбияланувчининг ўз-ўзини ахлоқий баҳолаши натижасида бундай ҳолат юзага келиши мумкин: ўзига нисбатан бошқаларнинг ишончини ҳис қилгач, у ўзининг имкониятларига ўзи ҳам ишона бошлайди, кўз олдингизда “кўтарилиб боради”. Болага нисбатан педагогнинг беғаразлиги болада ҳам беғараз фаолият юритиш истагини уйғотади.

## REFERENCES

1. “Ilk qadam” davlat o`quv dasturi O`zbekiston Respublikasi Maktabgacha ta'lim vazirligining 2018-yil 7-iyuldagi 4-sonli hay'at yig'ilishi qarori bilan tasdiqlangan va nashr etilgan dasturi.
2. Qodirova F.R., Qodirova R.M. Bolalar nutqini rivojlantirish nazariyasi va metodikasi. – Toshkent: «Istiqlob», 2006.

3. Г.И.Хасанова “Таълим жараёнида дастурлаштирилган ўқитиш технологиясидан фойдаланишнинг афзалликлари” Жиззах: 2020. 420 бет. 223-2256
- 4.Хасанова, Г. (2021). Олий таълим муассасалари педагогларининг Креатив қобилиятларини ривожлантиришнинг мазмуни. *Academic Research in Educational Sciences*, 2(1), 778-782
- 5.М.Усмонова . Ўқувчи шахсига йўналтирилган педагогик технологиялар Таълим технологиялари. 2016 йил. 4-сон.
- 6.М.Усмонова .Педагогик жараён лойихаси – машғулотлар самарадорлигини таъминлаш воситаси сифатида Бошланғич таълим ва жисмоний маданият йўналишида сифат ва самарадорликни ошириш: муаммо ва ечимлар Халқаро илмий конференция. Тошкент. 25 май, 2017 йил
- 7.Садиковна, у. м. (2013). Ali Şir Nevai Eserlerinde Bitki Adları . *Dil ve Edebiyat Araştırmaları* , (8) , 0-0 . Retrieved from
8. Maxfuza Usmanova, The concept of educational professional competence and its yield factors , *Архив Научных Публикаций JSPI*: 2020: Архив №54
9. Norquziyeva, M. (2020). The role of educational technology in shaping the professional stability of students. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
- 10.Abdurakhmonovna, N. M. (2020). Methodology of giving professional knowledge to future teachers. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(5), 1378-1383.
11. Manzura, N. (2021). Sustainable Activity in the Teaching Profession and Its Foundations. *PsychologyandEducationJournal*, 58(2), 1339-1345.
- 12.Abdurahmonovna, N. M. (2021). Pedagogical and Psychological Aspects of Professional Sustainability of Future Teachers.
12. Хасанова, Г. И. (2021). Болага йўналтирилган таълимни амалга оширишда тарбиячининг касбий компетентсиясининг ахамияти. *Academic research in educational sciences*, 2(9), 1051-1056.